

ШОИР ҒОЗИЙ

Қўқон адабий муҳитининг етук шоирларидан бири бўлмиш Ғозий тўғрисидаги дастлабки маълумот шу адабий муҳитнинг раҳнамоси ва хомийси ҳисобланган Умархон Амирийнинг топшириғи билан Фазлий Намангоний томонидан тартиб берилган “Мажмуаи шоирон” тазкирасида учрайди. Мазкурда унинг ота-онаси ҳақида сўз юритилар экан қуйидаги маснавий хавола қилинади:

Падар то падар хоки ин остон,
Ба дарбори соҳибқирон қадрдон.

Мазмуни:

Ота-онаси бу остонанинг тупроғи,
Соҳибқирон даргоҳига қадрдон.

Байтдан шу маълумот ойдинлашадики, шоирнинг асли исми Ғози Муҳаммад бўлиб, у Қўқонда таваллуд топган ва ота-боболари хонликка бир қадар яқин бўлган. Бундаги “соҳибқирон” сўзи бевосита Амир Умархонга ишора дейиш мумкин. Яна “Мажмуаи шоирон”да қайд этилишича, Ғозий ўз замондоши бўлган шоир Акмал билан (Махмурнинг отаси) қадрдон бўлган. Уларнинг кўп вақт бирга ва ҳамсухбат бўлганликлари тўғрисида Фазлийнинг алоҳида эскартишлари мавжуд:

Аз он баъд Ғозий шеърозмо,
Ғазалҳои ширини ў дилкушо...
Ҳамедошт суҳбат ба Акмал мудом,
Баҳам будаш он муттафиқ дар калом.¹

Мазмуни:

Ундан сўнг шеърда синалган Ғозийдир,
Унинг ширин ғазаллари дилга яқиндир...
Ҳар вақт Акмал билан суҳбатдош эди
У билан сўзда иттифоқдош эди.

“Мажмуаи шоирон”да қайд этилган қуйида зикр қилинмоқда бўлган байтларда шоир Ғозийнинг шахсияти ва шоирлик иқтидори хусусида сўз боради:

Ба олам алам буд дар илму фан,
Гузашт аз жаҳон монд аз вай суҳан,

¹ Тошбосма. 6-бет.

Чу ғозийи дар кор зори сухан,
Ба теги забон буд лашкар шекан.
Сафар кард аз олами бемадор,
Ғазал монд аз ӯ дар жаҳон ёдгор.
Зи файзи сухан гўраш обод бод,
Ки аз дўстон руҳи ӯ шод бод.¹

Мазмуни:

Илму фанда дунёга байроқ бўлган эди,
Оламдан кетди, ундан яхши сўз қолди.
Сўз жангоҳида бир ғолиб эди,
Сўз тиги билан лашкарни маҳв этувчи эди.
Бемаъни ва ёмон оламдан сафар қилди,
Ундан ғазаллар ёдгор бўлиб қолди.
Сўз файзидан унинг қабри обод бўлсин
Ва дўстларидан унинг руҳи шод бўлсин.

Мазкур қайдлар бир томондан, шоир Ғозий ҳақида бирмунча маълумот беришга хизмат қилса, иккинчи томондан, Фазлий ва унинг замондошларининг шоир Ғозий шахсияти ва ижодига бўлган муносабатини кўрсатади. Аслида ҳам, “Мажмуа”даги даржлар Ғозийнинг ўз даврининг тан олинган сўз усталаридан бўлиб, шоиру фозиллар орасида етарли мавқега эга бўлганини далиллаш учун кифоя. “Мажмуаи шоирон”да Амирий ғазалларига замондошлари қатори шоир Ғозий ҳам татаббулар битгани қайд этилади. Амирийнинг *“Эй ниҳолу сарви қаддуйи гулбини боғи вафо, Қоматингга сарв ила шамшод юз марҳабо”*, *“Лаълинг фироқида манга бўлди шароб талх, Ҳар дам кўзум тўкар лабинг истаб гулоб талх”*, *“Хок шуд тан дар таманнойи ту нажурам ҳануз, Мичикам хунистам гар захми носурам ҳануз”*, *“Чаман аз сабзи дорад зеби рухсори нигор аз хат, Риёзи ҳусни жононро аз айёми баҳор аз хат”*, деб бошланувчи ўнлаб ўзбекча ва тожикча ғазалларига назиралар битган ва саройнинг эътиборли шоирлари қаторидан жой ола билган.

Шоир Ғозий ҳақидаги маълумот ва унинг шеърларидан намуналар қўқонлик адабиёт фидойиси Пўлатжон Домулла Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий”сида берилган. Унда ёзилишича, Ғозий Яйпанда таваллуд топган, шу томонда қози бўлиб ҳам турган. Норбўтахон саройига яқин аъёнлар ва сипоҳлар қаторида бўлса ҳам, Умархон даврида саройдан йироқлашган. “Кучли шоир ва олим, фозиллардан бири бўлиб, номи Муҳаммад Ғозийдур. Кўп шеърлари бадий кучга эга бўлуб, Навоийга эргашувчи шоирдур...”² Кейинги ўринларда Фазлийнинг шоир Ғозийга даржи берилади (6 байт), сўнгра Ғозийнинг Фузулий ҳамда Навоийга ўхшатмалари, маснавий дебочаси ва хасби ҳол мазмунидаги мухаммаси келтирилади³. Булар ҳам Ғозий ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтай олади.

¹ Тошбосма. 360-бет.

² Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. Тошкент – 1998.- 93-94-бетлар.

³ Шу тазкира. 94-100-бетлар.

1959 йилда чоп қилинган тўрт жилдлик “Ўзбек адабиёти” мажмуасининг 3-жилдида шоир Ғозий тўғрисида ушбулар хавола этилади: “Ғозийнинг асли номи Ғози Муҳаммад бўлиб, Қўқон атрофидаги қишлоқларнинг бирида XVIII асрнинг II ярмида туғилган деб тахмин қилинади. У Қўқон адабий муҳитининг юқори авлодига мансубдир...

Ғозий шеърлари ўзининг самимияти ва равлонлиги билан ажралиб туради. У буюк Озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг таъсири остида ёзган. Шоирнинг тўртта кўлёзма девони бизгача етиб келган... Шоир Ғозий тахминан 1818 йил атрофида Қўқонда вафот этган деб гумон қилинади”. Шу маълумотлардан сўнг шоирнинг тўртта ғазали, битта мустазоди ва иккита муҳаммаси келтирилган.¹

Ғозий ҳақидаги илмий асосланган маълумотларни академик Азиз Қаюмовнинг “Шоир Ғозий” ҳамда “Қўқон адабий муҳити” китобларидан топиш мумкин. Айниқса номи иккинчи тилга олинган китобда шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодига батафсил тўхтаб ўтилган, шеърларига тегишли илмий таҳлиллар берилган. Хусусан, биз юқорида “Мажмуаи шоирон”дан олган итқибосларимиз ҳам айнан шу китобда келтирилган.²

Олим шоир Ғозийнинг девонларига тўхталар экан, унинг девонлари ичида энг мукаммали ЎзР ФА ШИ кўлёзмалар фондида сақланаётган 121-рақамли кўлёзма эканини кўрсатади. “Бу девонда дастлаб ғазаллар, сўнгра мустахзод, рубоий ва муҳаммаслар, таржибанд ва тарихлар жойлаштирилган. Унда ҳаммаси бўлиб шоирнинг 3000 мисрадан ортиқроқ шеъри бор. Бу девон Муҳаммад Маҳмуд ибн Мулло Ашур Муҳаммад деган киши томонидан Қўқон қоғозига чиройли насталиқ хати билан кўчириб ёзилган”.³ Санкт-Петербург кўлёзмаси (№ 109) ҳамда Тошкентга тегишли ҳар икки кўлёзма (№6117 ва №2296 II) бир-бирларига жуда яқин бўлиб, бу учала нусхада ғазал, муҳаммаслар, рубоийлар аралаш ҳолда кўчирилган. Кузатишлар шуни тасдиқлайдики, зикр этилган девонлардаги асарларнинг кўпгинаси Тошкент ва Санкт-Петербург кўлёзма фондларида сақланаётган баёз ва мажмуаларда ҳамда тошбосмада чиққан баёзларда учрайди. Яна академик Азиз Қаюмовнинг берган маълумотларига қараганда, шоирнинг XX асрда босилган биринчи шеъри “Ишқида менга ҳосил ўла дурду бало чўх” деб бошланадиган шеъри бўлиб, бу шеър 1945 йилда чиққан.⁴

Шоир Ғозийнинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар у қадар кўп эмас. Ғозий Бухорода ўқиган, Қўқондаги Мадрасаи Мирда мударрислик қилган, бир муддат муфтилик вазифасида ҳам турган. Айрим шеърлари ҳасби ҳол мазмунида бўлиб, булардан ҳам шоирнинг ҳаётига оид маълумотларни тасаввур қилиш мумкин.

Ғозийнинг шеърлари микдори 3000 мисрадан зиёд экан, булар орқали шоир ижодининг тадрижий тақомилини тасаввур қилиш мумкин бўлади. Домла

¹ Ўзбек адабиёти. 4 томлик. 3-том. Тошкент, Ўздавнашр, 1959. – 501-511-бетлар.

² Азиз Қаюмов. Асарлар, 7-жилд. 1-китоб. Қўқон адабий муҳити. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2010 – 42-47-бетлар.

³ Шу китоб. 41-бет.

⁴ Шу китоб. 42-бет.

ҳам ҳар икки китобида Ғозий шеърлари дастлаб мазмун ва бадиий жиҳатдан анча бўш бўлганини кўрсатиб ўтади. Шу муносабат билан қуйидаги сатрларни иқтибос қилади:

Эй хурлиқойи ишвапардоз,
Бошдан оёғинг карашмау ноз.

Ёки:

Ўтти умрим ёрни базмиға маҳрам бўлмадим,
Етти жон чиқмоққау ҳар лаҳза ҳамдам бўлмадим.¹

Бизнингча ҳам, шоирнинг дастлаб ижод этган шеърлари шакл томонидан назм талабларига тўла жавоб берса ҳам, мазмунида тасвирий усуллар анча оқсаганлиги кузатилади. Буни шоир ишлатган тимсоллар, бадиий тасвир воситалардаги сакталиклар ва қайтариқларда кўриш мумкин. Бироқ кейинчалик шоир бу камчиликлардан қутилиб борган ва бир-биридан ажойиб шеърлар ёзган ва бу ўзбек адабиётининг бой хазинасига ўзининг муносиб улушини қўша олган.

¹ Шу китоб. 48-49-бетлар.